

Термиз туманининг Гулбаҳор маҳалласида кўчма енгил конструкцияли “Гўзаллик салони” иш бошлади



Жорий йилнинг 26 февраль куни Президентимиз раислигида хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамасига бағишиланган видеоселетор йиғилишида мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга қутариш, самарадорлигини ошириш юзасидан қатор топшириқ ва вазифалар белгилаб берилган эди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси томонидан мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аёллар учун замонавий, барча қулайликларга эга, енгил конструкцияли кўчма гўзаллик салонлари етказиб берилмоқда. Бугун туман марказидан 60 км узоқлиқда, Тожикистон давлати билан чагарадош ҳудудида жойлашган Гулбаҳор маҳалласида ана шундай кўчма гўзаллик салони иш фаолиятини бошлади.


Очилиш маросимида Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринbosари Қ.Боболов, вилоят Махалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринbosари З.Хидирова, туман ҳокимининг ўринbosари – маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ў.Маҳмудова ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Кўчма гўзаллик салонининг очилиши маросимида сўз олган Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринbosари Қ.Боболов ва бошқалар томонидан кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.


Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси томонидан топширилган кўчма гўзаллик салони зарур барча жиҳозлар билан таъминланган бўлиб,

қишлоқ аёлларига хизмат күрсатади.

Ушбу масканнинг ишга тушиши билан Гулбаҳор маҳалласидан “Аёллар дафтари”га киритилган 1 нафар, “Ёшлар дафтари”га киритилган 2 нафар, жами 3 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.







Термиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати